



Президент ташрифи

фарғоналиклар кўнглини тоғдай кўтарди

МУНОСАБАТ

Президентимизнинг ҳар гал Фарғонага келиши водий халқи учун байрамга айланиб кетади. Инсонга нима керак? Энг аввало меҳр, эътибор керак. Мамлакатимиз раҳбари давлат ишларидан ортиб, оддий деҳқоннинг, заҳматкаш қурувчининг қалбига кулоқ солади. Кўнглини кўтарди. Керак бўлса маслаҳат беради. Бу гал ҳам худди шундай бўлди.

Ҳозир биз фермерлар учун энг муҳим палла, галла йиғими мавсуми. Бу йил фермер хўжалигимизга қарашли 395 гектар майдоннинг 240 гектаридан галла етиштиридик. Шу кунларда давлатимиз хирмониغا 705 тонна сара бугдой топшириб, шартнома режасини ортиги билан удалади.

Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларига берилган имкониятдан фойдаланиб, чорвачиликни йўлга қўйганмиз. Ҳозирда 30 бош қорамол, юз бошга яқин қўй боқаяпмиз. Кейинчалик улар сонини янада кўпайтириб, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашни режалаштираяпмиз.

Фермер хўжалигимиз ерлари асосан чўл худудидея жойлашган. Шу боис ер билан ишлашга алоҳида эътибор бераёямиз, агро-техник тадбирларни ўз вақтида ўтказишга ҳаракат қилаёямиз. Хўжалигимизга тегишли бўлган трактор ва техник воситалар ҳаммиша шай.

Фермер хўжалигимизда техник хизмат кўрсатиш устанонаси ташкил этилган. Бу ерда фермер учун зарур бўлган барча турдаги техник воситаларни таъмирлаш имконияти мавжуд.

Президентимиз учрашулар чоғида одамлар ҳаётидан рози бўлиб ашаш, оиласи фаровонлиги, бахтли бўлиши учун ҳаракат қилиши кераклигини таъкидлади. Бугунги кунда фермер хўжалигимизда 140 нафардан ортик ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг ҳар

бирини қўллаб-қувватлаш, меҳнатига яраша рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратаёямиз.

Давлатимиз раҳбари билан суҳбатда фермер нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айна пайтда у иктисодчи, ҳисобчи, менежер, селекционер, бизнесмен, керак бўлса, дипломат бўлмоғи зарур, дея алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, бугунги ҳаёт олдимишга қўяётган янги вазифаларни яхши билиши, одамларнинг, айниқса, қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини янада яхшилаш, юртимизни бундан-да обод қилишда фаол иштирок этиши кераклигини қайд этди.

Дарҳақиқат, бугун фермер чет тилларини билиши, дунёнинг ривожланган давлатларидаги корхоналар билан ҳамкорлик қилиши, одамлар билан муносабатда намуна бўлиши керак. Шунда унинг иши янада юришади.

Бугун битта қишлоқда икита фермер бўлса, ўша ердаги одамларнинг ҳаёти ўзгариб, маҳалласи обод бўлиб бормоқда. Демак, фермер нафақат оиласи, балки бутун маҳалласи турмуш фаровонлигига ҳисса қўймоқда.

Президент ташрифи фарғоналиклар кўнглини тоғдай кўтарди, юксак марралар сари руҳлантирди.

Лола МУРОДОВА,
Олтириқ туманидаги «Нури олод» фермер хўжалиги раҳбари,
ЎЗХДП фаоли.

Мустақил фикрлаш

ва яна бир бор мустақил фикрлаш талаб этилади

Ҳақиқатан ҳам бугун бутун дунёда мафқуравий таҳдид кучайиб, ахборот хавфсизлиги масаласининг долзарблиги ошиб бораётгани журналистларда эркин ва мустақил фикрлаш кўникмасини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

2



ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Хусусийлаштириш пайтида

ижтимоий мажбуриятлар ҳисобга олинади

Фуқаро қонунда ҳамма масала содда ва тушунарли бўлишини истайдимиз. Қонун матнини бир ўқиган одам унинг асосий маъно-моҳиятини тушунмаса, ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини, янгилик ва имкониятларни илғамаса, фаоллик кўрсатмайди.

Қонун матни нафақат мутахассис учун, балки энг аввал од-

дий одамлар учун тушунарли бўлиши зарур.

Маълум қонун фақат муайян идоранинг фаолиятини мувофиқлаштириш учунгина эмас, давлат ва жамият, халқ манфаатини кўзлаб қабул қилинади. Буни асло унутмаслик керак.

ЎЗХДП фракцияси йиғилишида «Хусусийлаштириш тўғриси-

да»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқиладиганда шу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Депутатлар қонун лойиҳасида белгиланаётган меъёрларни аниқ ва янада тушунарли тарзда ифода этиш бўйича таклиф-мулоҳазалар билдиришди.

2

САЙЛОВЧИ МАСЪУЛИЯТИ

Менимча, кейинги пайтларда одамларнинг дунёқараши, сиёсий ва ҳуқуқий онгининг ошиши тўғрисида кенг жамоатчилик орасида яна бир янги, «сайловчи масъулият» деган атама пайдо бўлди. Яъни, кўпчилик сайловчи сифатида зиммасида турган масъулиятни ҳис этмоқда.

3

ЎЗХДП гуруҳи сессияга масала киритди...

Касб-ҳунар коллежалари битирувчилари бандлигини таъминлаш ЎЗХДП учун муҳим масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жойлардаги партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари бу борада изчил иш олиб бормоқда. Айниқса, корхона-коллеж-ўқувчи ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар ижроси доимий равишда назорат қилиб борилади.

2

Демократлаштиришнинг муҳим омили

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИКЛИГИ УШБУ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ҲАҚҚОНИЙ ВА САМАРАЛИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ АМАЛГА ОШИРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

3

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ САЙЛОВИДА ЭРКИН ВА ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИЛАДИ. ОВОЗ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ХОҲИШИ-ИРОДАСИ НАЗОРАТ ҚИЛИНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси.

ЎЗХДП ЭЛЕКТОРАТИ ДИҚҚАТИГА!

Беҳзод Абдураимов

гунёни лол қолдирмоқда

Токиодаги «Саитама» санъат театрида ҳамда NHK телерадиокомпаниясининг концерт залида таниқли ўзбек пианиночиси, «Нихол-2008» мукофоти лауреати Беҳзод Абдураимов ўзининг мусиқий дастурини тақдим этди.

Беҳзод Абдураимовнинг Саитама префектураси мусиқа марказида бўлиб ўтган якка концерт дастури доирасида Бетховен, Шопен, Сен-Санс, Равел асарлари янгради. Улар япон томошабинлари ва санъат арбобларининг самимий олқишларига сазовор бўлди.

Япониянинг машҳур NHK Hall концерт залида эса ҳамюртимиз симфоник оркестр жўрлигида ва дирижёр В.Ашкенази раҳбарлигида классик мусиқанин дурдона асарлари — Р.Штраус, С.Рахманинов, Шуберт ва бошқалар ижодидан намуналарни зўр маҳорат билан ижро этди.

Беҳзод Абдураимовнинг маданий чиқишлари NHK телерадиокомпаниясининг радио ва теледастурлари орқали кенг ёритилди.

Маълумки, Успенский номидаги мусиқа академик лицейининг тарбияланувчиси бўлган Беҳзод Абдураимов кўплаб нуфузли халқаро танлов ва мусобақаларнинг лауреати ҳисобланади. У ўзбек классик мусиқа мактаби маҳоратини дунё сахналарида муносиб равишда намойиш этиб келмоқда.

«Жаҳон» АА,
Токио

Ягона порталнинг кенг имкониятлари

Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси ташаббуси билан Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолиятининг бир йиллиги муносабати билан «Аҳоли ва давлат органлари муносабатларида Ягона порталнинг роли» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимизнинг Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тарғиботларни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган My.gov.uz — Ягона интерактив давлат хизматлари портали, энг аввало, аҳолининг ижро ҳокимияти органлари билан ўзаро онлайн мулоқотга киришишида муҳим қадам бўлди. Хусусан, мазкур портал одамларни ташвишга солаётган турли муаммолар юзасидан тўғридан-тўғри тегишли органга мурожаат қилиш имкониятини яратди.

Сўзга чиққанлар ўтган йил давомида Ягона порталда кенг қўллаш, йирик лойиҳалар амалга оширилгани ҳақида алоҳида тўхталишди. Жумладан, унга 500 дан зиёд давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар улангани, аҳоли учун 200 турдаги хизматлар жорий қилинган, шунингдек, давлат органлари раҳбарлари қабулига онлайн ёзилиш, мавжуд бўш иш ўринлари учун маълумотномалар ҳамда биометрик паспорт олиш юзасидан онлайн ариза юбориш каби қатор қулайликлар яратилгани маълум қилинди.

Тадбирда Ягона порталда тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватловчи хизматлар жорий қилингани, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ва хизмат кўрсатиш самарадорлиги ошгани эътироф этилди. Анжуман якунида портални замонавий талаблар асосида янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

OZBEKISTON OVOZI ГАЗЕТАСИНING KEЙИНГИ СОНЛАРИДА ВА САЙТИДА ЎҚИЙСИЗ

Равон йўлда юрган автоулов йўловчини қанча вақтда манзилига етказадими, сифати талаб даражасида бўлмаган йўлда юрган йўловчи қанча вақт йўқотади?

www.uzbekistonovozi.uz



Инсон ўз ҳаёти давомида турли муаммоларга дуч келади. Ана шундай ҳолатда фуқаро ўз ҳуқуқларини ҳимоя этиши учун қаерга ва қандай тартибда мурожаат қилиши лозим?



Мамлакатимизда доривор гиёҳлар асосида тиббиётнинг барча тармоқларида фойдаланиладиган замонавий дори-дармонлар яратиш юзасидан кенг қўллаш имконияти изланишлар амалга оширилмоқда.



ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Косонсой туман бўлими ташаббуси билан «Коллеждан — корхонага» лойиҳаси доирасида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 50 га яқин корхона-ташкilotлар мавжуд 50 бўш иш ўрни билан иштирок этди.



Партия гуруҳи тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш ҳуқуқига эга. «Сиёсий партиялар» тўғрисидаги қонундан.

Бахтиёр ЙЎЛДОШЕВ,

Тошкент вилояти, ЎзХДП Ангрэн шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловдаги дастурида халқ таълими тизими ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда меҳнат шартларини яхшилаш масаласи белгилаб қўйилган. Ушбу муҳим вазифа ижросини таъминлаш мақсадида партия гуруҳимиз Ангрэн шаҳридаги таълим муассасаларида ўқитувчи-ҳодимларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилдик. Унинг натижалари партия гуруҳи йиғилишида кўриб чиқилди.

Шундан сўнг мазкур масала юзасидан Ангрэн шаҳар халқ таълими фаолиятини ташкил этиш ва методик таъминлаш бўлими мудири ҳисоботини эшитиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Жорий йил 26 апрел кунини халқ депутатлари Ангрэн шаҳар Кенгаши сессиясида халқ таълими фаолиятини ташкил этиш ва методик таъминлаш бўлими мудири Эсонали Қорабоевнинг ҳисоботи эшитилди.

Унда халқ таълими муассасалари ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида қасаба уюшмаси билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Бироқ ўқитувчилар учун устама ҳақ, мукофот пулларини тақсимлашда айрим қонун бузилиш ҳоллари кузатилади ҳам қайд этилди.

Сессияда халқ таълими муассасалари ходимлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга устама ҳақ тўлаш, мукофот пули тақсимлашида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Маъмуржон МАТМУСАЕВ,

Фарғона вилояти, халқ депутатлари Фарғона туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:

— Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ЎзХДП учун муҳим масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жойлардаги партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари бу борада изчил иш олиб бормоқда. Айниқса, корхона-коллеж-ўқувчи ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар ижроси доимий равишда назорат қилиб борилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, партия гуруҳимиз йиғилишида иш ўринлари ташкил этиш ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Унда ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш натижалари таҳлил этилди. Мазкур масалани сессияга олиб чиқишга қарор қилинди.

Халқ депутатлари Фарғона туман Кенгашининг 2014 йил 8 апрель кунини ўтказилган сессиясида ушбу масала кўриб чиқилди.

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига кўра, туманимизда биринчи ярим йилликда 2 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиши белгиланган.

Ҳозирда Фарғона туманида 9 касб-ҳунар коллежи бўлиб, уларни 2013-2014 ўқув йилида 2660 нафардан ортиқ йилит-қиз тамомлади.

Сессияда Бандлик дастури асосида яратилаётган иш ўринлари доимийлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари амалиётини самарали ташкил этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Бугунги кунда партия гуруҳимиз ушбу қарор ижросини мунтазам назорат қилиб бораёпти.

Сулаймонқул ХИДИРОВ,

Жиззах вилояти, халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:

— Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш масаласи доимий эътиборда бўлиб келган. Шу боис партия гуруҳимиз томонидан туманда болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар мунтазам равишда ўрганиб борилмоқда.

Шу йил 15 февралда халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашидаги партия гуруҳи йиғилишида шу билан боғлиқ масала кўриб чиқилди. Шундан сўнг Ижтимоий-маданий ривожлантириш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссия йиғилишида муҳокама этилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, тумандаги спорт мактаблари, таълим муассасаларида ташкил этилган спорт тўғрисидаги фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш кераклиги аниқланди. Уларда яратилган шартношаларни яхшилаш, спорт мажмуалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар таҳлил этилди.

Шундан сўнг халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашининг 2014 йил 28 февралда ўтказилган навбатдаги сессиясида мазкур масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Сессияда партия гуруҳи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, болалар спортини ривожлантириш мақсадида бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг манзилли сарфланиши борасида жамоатчилик назоратини ўрнатиш зарурлиги таъкидланди. Ҳозирги кунда мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида мутасадди ташкилотлар фаолияти ўрганилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири Нурали ОРИПОВ тайёрлади.

Хусусийлаштириш пайтида

ижтимоий мажбуриятлар ҳисобга олинади

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Гап шундаки, мустақилликка эришганимиздан буён хусусийлаштириш бўйича тизимли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида соҳага оид бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббусига асосан юртимизда хусусийлаштириш билан боғлиқ муносабатлар тобора тақомиллашиб бормоқда. Шу мақсадда ишлаб чиқилиб, парламентда муҳокама этилаётган «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иқтисодиётимизни илгор мезонлар асосида тубдан ислох қилишда муҳим ҳужжат бўлиши кутяпти. Шунинг учун жамоатчилик, фуқаролар мажбуриятлари ва ҳуқуқлари ҳисобга олинган парламентдаги муҳокама ва таҳлилларга диққат билан қараётми.

Давлат мулкни бўлган хусусийлаштириш объектларига нималар кирди? Хусусийлаштирилмайдиган объектларга? Давлат мулкни бўлган объектларни хусусийлаштириш учун таклифлар ва бюртмалар қандай шакллантирилади? Хусусийлаштириш дастури лойиҳасини тайёрлашда юридик ва жисмоний шахсларнинг бюртмалари ҳисобга олиними-йўқми? Олинса, унинг тартиби қандай бўлади? Бугун бу каби саволлар кўпчиликини бефарқ қолдираётгани йўқ.

«Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида хусусий сектор уланини кенгайтириш ва кўпайтириш, хусусийлаштириш битимларининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, инвесторларнинг барча тоифаларига бир хил қулайликлар яратиш, бу борада замонавий стратегия ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги хусусийлаштириш амалиётини тартибга солиш масалалари кўзда тутилган.

— Қонун лойиҳасида асосий тушунчаларга таъриф берилмоқда, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуқаҳор Юсупов**. — Хусусан, «инвестициявий мажбуриятлар» ва «ижтимоий мажбуриятлар» каби тушунчаларга таърифлар келтирилади, шунга мувофиқ равишда тегишли меъёрилар кўзда тутилаётгани хусусийлаштириш жараёнларини ҳар томонлама тақомиллаштиришда муҳим ўрин тутди.

ЎзХДП фракцияси хусусийлаштириш масаласига партия Дастурида белгиланган вазифалар нуктаи назардан ёндашиб келяпти. Фракция аъзоларининг қайд этишича, хусусийлаштириш жараёнларининг самарали йўлга қўйилиши иш ўринлари ташкил этиш, сақлаш, барқарорлигини таъминлаш, ички бозорни ўсимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бойитиш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига ижобий таъсир этиши билан аҳамиятли.

ЎзХДП фракцияси хусусийлаштириш масаласида шохма-шошарлик мақсада мувофиқ эмаслигини айтиб, бир қатор таклифларни масъул қўмитага тақдим этган эди. Фракция аъзоларининг таъкидлашича, давлат мулкни бўлган объектларнинг хусусийлаштирилиши маълум ҳолларда мазкур объект билан боғлиқ меҳнат жамоалари манфаатлари, қонуний ҳақ-ҳуқуқларига эътибор қилинган бўлиши керак.

Қонун лойиҳасига кўра, хусусийлаштириш тегишли объектни танловларда, ким ошди, биржа савдоларида, тўғридан-тўғри шартнома-лар бўйича сотиш ва бошқа усулларда бўлиши белгила-



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

нинг хусусийлаштирилиши маълум ҳолларда мазкур объект билан боғлиқ меҳнат жамоалари манфаатлари, қонуний ҳақ-ҳуқуқларига эътибор қилинган бўлиши керак.

Хусусийлаштиришнинг мақсади давлат мулкни имкон қадар тез муддатда бошқа шахсга сотиш бўлмаслиги керак. Аксинча, муайян объект ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ривожлантириш кафолатлари таъминланган ҳолда хусусийлаштирилиши лозим. Қонун лойиҳаси билан яратилаётган ҳуқуқий тизим, аввало, шунга хизмат қилиши талаб этилади.

Масъул қўмита ЎзХДП фракциясининг бу борадаги таклифлари қонун лойиҳасини тақомиллаштириш жараёнида ҳисобга олинганини, ижтимоий ва инвестициявий мажбуриятлар, хусусийлаштириш натижаларида ташкил этилган юридик шахс ҳодимларининг ижтимоий кафолатлари, деб номланаётган моддаларга тегишли ўзгаришлар киритилганини маълум қилди.

Қонун лойиҳасига кўра, хусусийлаштириш тегишли объектни танловларда, ким ошди, биржа савдоларида, тўғридан-тўғри шартнома-лар бўйича сотиш ва бошқа усулларда бўлиши белгила-

напти. Мана шу жараёнлар билан боғлиқ ахборотлар очик бўлиши ва эълон қилиниши муҳимдир. Қонун лойиҳасида бу масала алоҳида инobatга олинган.

Унга мувофиқ, давлат мулкни бўлган объектларни хусусийлаштириш ҳақидаги ахборотлар ваколатли давлат органи томонидан оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, ваколатли органнинг расмий веб-сайтида савдоларга қўйилишидан камда ўттиз кун аввал эълон қилиниши кўзда тутилмоқда. Бундай ахборот давлат мулкни бўлган объектнинг хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган барча маълумотларни, сотувчи, савдоларнинг вақти, жойи ва шакли, уларни ўтказиш предмети ва тартиби билан боғлиқ маълумотларни, шунингдек, савдоларда иштирок этишни расмийлаштириш, бошланғич нарх ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим. Савдоларнинг натижалари тўғрисидаги ахборот ваколатли орган томонидан ўша объект ҳақида ахборот эълон берилган оммавий ахборот воситаларида (битим тузилган санадан бошлаб ўттиз кун мобайнида) эълон қилиниши белгиланапти.

Давлат мулкни бўлган объектларни хусусийлаштириш ҳақидаги ахборотларни эълон қилиш масаласи қонун лойиҳасида алоҳида кўриб чиқилган бўлиши керак.

ЎзХДП фракцияси қонун лойиҳасини ҳар томонлама кўриб чиқиш жараёнида хусусийлаштириш билан боғлиқ ҳолатларда жамоатчилик назорати кафолатини яратиш, маҳаллий вакилик органларининг ўрнини белгилаш масалаларида таъкидлар берди. Депутатлар бу борадаги таклифлар яқинда Конституциямизга киритилган ўзгаришларга қўйилган мазмун-моҳиятига мувофиқ келишини таъкидлашди.

Фикр-мулоҳазалардан сўнг фракция қонун лойиҳасини маъқуллаб, қарор қабул қилди.

Масъул қўмита қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқин мажлиси муҳокама-сига тайёрлаш чоғида берилган таклифларни ҳисобга олиди, охири-охирида қонун муқаммал тарқата қабул қилинади, деб ўйлаймиз.

Тўқтин ТЎРАҲОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мустақил фикрлаш

ва яна бир бор мустақил фикрлаш талаб этилади

МУНОСАБАТ

Президентимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимларига йўлаган байрам табригида журналистлар меҳнатига яна бир бор юқори баҳо берди. Шу билан бирга, жаҳон миқёсидаги глобаллашув, ахборот-коммуникация технологиялари катта таъсир кучига эга ҳозирги замонда матбуот ва оммавий ахборот воситалари олдида турган муҳим вазифаларга эътибор қаратди.

Айтиш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида соҳадаги ислохотларни бутунлай янги босқичга кўтариш бўйича бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши юртимизда ОАВ фаолиятини янада эркинлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги таъсирини кучайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлади.

Энг муҳими, бу орқали сўз ва фикр эркинлигини қарор топтириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада тақомиллаштириш имкони кенгайди. Натижада жамиятда журналистга, оммавий ахборот воситалари фаолиятига нисбатан ишонч ортмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида бугунги мураккаб ва қалтис замонда дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни

чуқур идрок этиш, уларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун аввало одамларда мустақил фикрлаш ва яна бир бор мустақил фикрлашни шакллантириш талаб қилинишини алоҳида таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам бугун бутун дунёда мафқуравий таҳдид кучайиб, ахборот хавфсизлиги масаласининг долзарблиги ошиб бораётгани журналистларда эркин ва мустақил фикрлаш кўникмасини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Чунки ахборот етказувчининг мавзуга ҳолис ва ҳаққоний ёндашиши биринчи навбатда унинг дунёқароши ҳамда фикри кенг ва мустақил бўлишини талаб этади.

Умуман олганда, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдида қўйилаётган талаблар ҳам кўп. Энг асосий, ҳал қилувчи талаб эса ҳақиқатни, ҳаёт ҳақиқатини тўлақонли акс эттиришдан иборат.

Бу борада журналистларимиз, айниқса, ёш қаламкашлар ўз маҳорати, билим ва истеъдоди ҳисобидан замонавий ахборот воситаларининг имкониятлари, ахборот тўллаш ва уни оммага етказишнинг усул-усуллари ҳақида етарли малака ва кўникмаларга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Бугун оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг ривожини, сиёсий маданиятнинг юксалиши, демократик тамойилларнинг қарор топишида муҳим ўрин тутди. Ана шундай бир шароитда эса журналист ҳаётининг энг олдинги қаторида бўлиши, жамиятга, одамларга фойда келтириши керак.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида қонунларни бажариш, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ўз вазифаларини амалга ошириш, Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя қилиш ҳамда уларни ҳимоя қилишни таъминлаш устидан фаол жамоатчилик назорати ва ошқоралик институтини шакллантириш мустақил оммавий ахборот воситаларининг кенг ривожланишини изчил таъминлаш вазифаси белгиланган.

Шу жиҳатдан олиб қарасак, жамоатчилик назоратини кучайтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш партияимиз электорати манфаатига бевосита хизмат қилади. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, бандлик даражасини ошириш, ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш ва бошқа масалалар юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ОАВ кучидан самарали фойдаланиш ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалалар ижобий ечим топишига хизмат қилади.

воситалари фуқаролик жамиятининг ривожини, сиёсий маданиятнинг юксалиши, демократик тамойилларнинг қарор топишида муҳим ўрин тутди. Ана шундай бир шароитда эса журналист ҳаётининг энг олдинги қаторида бўлиши, жамиятга, одамларга фойда келтириши керак.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида қонунларни бажариш, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ўз вазифаларини амалга ошириш, Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя қилиш ҳамда уларни ҳимоя қилишни таъминлаш устидан фаол жамоатчилик назорати ва ошқоралик институтини шакллантириш мустақил оммавий ахборот воситаларининг кенг ривожланишини изчил таъминлаш вазифаси белгиланган.

Шу жиҳатдан олиб қарасак, жамоатчилик назоратини кучайтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш партияимиз электорати манфаатига бевосита хизмат қилади. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, бандлик даражасини ошириш, ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш ва бошқа масалалар юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ОАВ кучидан самарали фойдаланиш ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалалар ижобий ечим топишига хизмат қилади.

Ҳафиза ҚАРИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Қашқадарё вилоятида янги иш ўринлари яратиш, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 27 минг 241 янги иш ўрни яратилди.

Оилавий тадбиркорлик — жамият равноқи

Аҳолини иш билан таъминлашда қасанчилик ва оилавий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 8 минг 270, яқна тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 4 минг 582 ҳамда қасанчиликнинг барча шакллари ҳисобидан 7 минг 673 янги иш ўрни яратилиб, унинг асосий қисмида хотин-қизлар фаолият юритмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 6 апрелдаги «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим ошқоралаётган бўлаётган.

Қосон туманида аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳудудий дастури ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур йўналишда салмоқли ишлар қилинмоқда. Туманда жорий йилнинг ўтган даврида яқна ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва кенгайтириш орқали 152, қасанчиликнинг барча шаклларини ташкил этиш натижасида 249 нафар хотин-қиз иш ўрнига эга бўлди.

— Ўтган йили банкдан олинган 39,5 миллион сўм кредит маблағи эвазига оилавий корхона ташкил қилдик, — дейди тумандаги «Қосон ривож текстиль» оилавий корхонаси раҳбари Лобар Қурбонова. — Айни пайтда бу ерда 12 нафар тенгдошим тикувчилик билан шуғулланмоқда. Буюртма асосида тайёрланаётган ушбу маҳсулотлар сифати ва арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Туман ҳокимлиги, прокуратураси ҳамкорлигида жорий йилнинг ўтган даврида 15 марта фаваққад яқин фуқаро доимий иш билан таъминланди. Паррандачилик, асаларчилик ҳамда балчиқчиликни ривожлантириш орқали ҳам янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Ў. БАРОТОВ, ЎзА мухбири.

БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЎЗХДП ГУРУҲИ СЕССИЯГА МАСАЛА КИРИТДИ...

Демократлаштиришнинг муҳим омили

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралиги улар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, давлат органлари ва фуқароларнинг мунтазам алоқада бўлишини таъминлайди.

Зеро, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ушбу органлар фаолияти устидан ҳаққоний ва самарали жамоатчилик назорати амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, уларнинг фаолияти, қабул қилган қарорлари тўғрисида фуқароларнинг бевосита хабардор бўлиши ҳуқуқини кафолатлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлан-тирмасдан туриб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви фаолияти очиқлигини таъминлаш кийин. Мустақиллик йилларида амалга оширилган оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамлаб ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ана шу мақсадга йўналтирилган.

Хар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқлари амалга оширилишини, шунингдек, ахборот соҳасининг самарали фаолият юритишини кафолатлашга, оммавий ахборот воситаларининг эркин ва фаол ривожланиши ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга қаратилган қонунчилик асослари яратилди.

Бош қомусимизда Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор

давлат органлари фаолиятининг очиқ-ошқоралигини таъминлаш, улар фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг кенг фойдаланишига доир нормалари самарадорлигини баҳолаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хуқуқий эксперимент фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш механизмларини янада ривожлантиришга, шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобдорлигини қучайтиришга хизмат қилди.

4 боб, 24 моддадан иборат янги қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги ахборотга бўлиб бориши тўғрисидаги қонун матбуотда эълон қилиниб, қуча киргани бу борадаги навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу қонун, авваломбор, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошқоралигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштирди. Шу билан бирга, аҳоли, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид маълумотлардан кенг хабардор бўлишга оид ҳуқуқлари кафолатини янада мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбарининг фармоишига мувофиқ мамлакатимиз тарихида илк мартаба мазкур қонун лойиҳасининг қондалари 2013 йил март-декабрь ойларида ҳуқуқий экспериментдан ўтказилди. Бу жараёнда қонун лойиҳаси қондаларини амалда сынаб кўриш,

давлат органлари фаолиятининг очиқ-ошқоралигини таъминлаш, улар фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг кенг фойдаланишига доир нормалари самарадорлигини баҳолаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хуқуқий эксперимент фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш механизмларини янада ривожлантиришга, шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобдорлигини қучайтиришга хизмат қилди.

4 боб, 24 моддадан иборат янги қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги ахборотга бўлиб бориши тўғрисидаги қонун матбуотда эълон қилиниб, қуча киргани бу борадаги навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу қонун, авваломбор, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошқоралигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштирди. Шу билан бирга, аҳоли, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид маълумотлардан кенг хабардор бўлишга оид ҳуқуқлари кафолатини янада мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбарининг фармоишига мувофиқ мамлакатимиз тарихида илк мартаба мазкур қонун лойиҳасининг қондалари 2013 йил март-декабрь ойларида ҳуқуқий экспериментдан ўтказилди. Бу жараёнда қонун лойиҳаси қондаларини амалда сынаб кўриш,

давлат органлари фаолиятининг очиқ-ошқоралигини таъминлаш, улар фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг кенг фойдаланишига доир нормалари самарадорлигини баҳолаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хуқуқий эксперимент фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш механизмларини янада ривожлантиришга, шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобдорлигини қучайтиришга хизмат қилди.

4 боб, 24 моддадан иборат янги қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги ахборотга бўлиб бориши тўғрисидаги қонун матбуотда эълон қилиниб, қуча киргани бу борадаги навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу қонун, авваломбор, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошқоралигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштирди. Шу билан бирга, аҳоли, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид маълумотлардан кенг хабардор бўлишга оид ҳуқуқлари кафолатини янада мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбарининг фармоишига мувофиқ мамлакатимиз тарихида илк мартаба мазкур қонун лойиҳасининг қондалари 2013 йил март-декабрь ойларида ҳуқуқий экспериментдан ўтказилди. Бу жараёнда қонун лойиҳаси қондаларини амалда сынаб кўриш,

САЙЛОВЧИ МАСЪУЛИЯТИ

Аброр ПИРНАПАСОВ,
ЎзМУ магистранти:

— Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат ва жамият бошқарувида сиёсий партияларнинг ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Буни уларнинг умумий гаплар, қуруқ ваъдалардан кўра электорат манфаатига хизмат қиладиган амалий ишларга кўпроқ эътибор қаратаётгани, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларида манзилли дастурлар, фойдали ташаббус ва таклифлар билан чиқаётгани, шунингдек, қонунчилик бора-сидаги интилишларида ҳам кўрамиз.

Албатта, бунда одамлар, хусусан, партияларга хайрихоҳ инсонлар ҳамда сайловчиларнинг ўзи ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун улар ислохотлар «томошабини» эмас, бевосита қатнашчиси бўлишга интилмақда. Депутатнинг сайловчи олдидаги масъулияти нималардан иборат эканлиги аввалдан яхши маълум. Менимча, кейинги пайтларда одамларнинг дунёқараши, сиёсий ва ҳуқуқий онининг очиши тўғрисида кенг жамоатчилик орасида яна бир янги, «сайловчи масъулияти» деган атама пайдо бўлди. Яъни, кўпчилик сайловчи сифатида зиммасида турган масъулиятни ҳис этмоқда.

Бу беҳиз эмас. Маълумки, депутат ўзи сайланган ҳудуднинг тақдири ва тараққиёти ҳақида қайғуриши, кишиларни ташвишга солаётган муаммо ва масалаларни ўрганиши, имкон қадар уларни бартараф этишга ҳаракат қилиши лозим. Шу маънода сайловчи, энг аввало, мана шу ҳақиқатни яхши англаши, ўз номзодининг одамлар билан ишлашга ҳар томонлама муносиб эканлиги, ижро ҳокимияти олдида манфаатларини ҳимоя қилишга олишга ишончини керак. Умуман, сайловчи ўзи овоз берган депутатни яхши билиши, унга дадил муносабат ва керак бўлса, фаолиятини сарҳисоб қилиши, таклифлар билан чиқиши лозим.

Бу эса, ўз навбатида, депутатни ҳушёрликка чақиради. Одамларни тинглашга ўргатади. Демак, сайловчи олдидаги масъулият, бу аввало, оила, маҳалла ва эл-юрт олдидаги масъулият ҳамдир.

Ҳазратқул САФАРОВ,
Булунгур туманидаги, «Кўёш» фермер хўжалиги раиси:

— Менимча, сайловчи ижтимоий-сиёсий фаол бўлиши лозим. Чунки депутатнинг фаолияти унинг ўз сайлов округидаги амалий сайё-ҳаракатлари, ташаббуслари, ҳудуддаги муаммоларни бартараф этиш борасидаги интилишларига қараб баҳоланади, ҳулоса чиқарилади. Бу борада депутатларнинг энг ақин кўмакчиси — сайловчи ҳисобланади.

Халқимизда азалдан жамоа руҳи устунлик қилган. Ота-боболаримиз маҳалла-қўйда бирор муаммо чиқса уни ўзаро кенгашиб, маслаҳатлашиб ҳал этган. Шу тариқа муҳтожларга ёрдам берилган, беморларнинг ҳолидан хабар олинган, тўй-маърака қилинган, етим-есирларнинг боши силанган. Айтмоқчи бўлганим, депутатларнинг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, одамларни ташвишга солаётган масалаларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш, кишилар турмуш фаровонлигини янада ошириш, одамларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши учун фойдали таклифлар, ташаббуслар билан чиқишида сайловчилар билан фикрлашиши, улар билан ўртоқлашиши ҳамда суяниши муҳим аҳамиятга эга.

Агар ўзини сайловчилар қўллаб-қувватлаётганини ҳис қилса, депутат янада дадиллашади, ўзига бўлган ишончи ортади. Бу эса, ўз навбатида, ҳудуддаги муаммоларни тез ва осон ҳал этиш, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топишда асқотади.

Жавохир КУДРАТОВ,
журналист:

— Яқинда бошқа туманда яшайдиган танишим уларнинг ҳовлиси олдида ўтган канал атрофида одамлар ноқонуний бинолар қурганилиги, бунинг натижасида баъзи хонадонлар азият чекаётгани, қўнанинг фазига путур етаётганини айтиб қолди. Унга ўзи яшайдиган ҳудуддан сайланган депутатга муносабат қилишни маслаҳат бердим.

Буни қарангки, олий маълумотга эга танишим ўз округидаги депутатни ҳатто танимас, бунинг устига депутатнинг сайловчилар олдидаги бурчи, вазифасидан мутлақо беҳабар экан. Ҳайран қолдим.

Баъзан депутатлар ўз вазифасига совуққонлик билан қараётгани ҳақида эшитиб қоламиз. Зиммасидаги масъулиятни ҳис қилмаётгани учун таъна қиламиз. Энди ўйлаб кўрайлик, ўша танишим кўрмаган-билмаган депутат ўз ишига масъулият билан ёндашадиган, сайловчилари ишончига сазовор бўлишга интилаётган, умуман, аҳолига яқинлашишга уринаётган бўлиши ҳам мумкин-ку! Биргина одамнинг бефарқлиги тўғрисида депутат ҳақида жамоатчиликда ноҳолис муносабат шаклланиши ҳам ҳеч гап эмас.

Аслида сайловчининг зиммасидаги масъулият депутатни кам эмас. У, энг аввало, ўзининг фуқаролик бурчи, конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини тўла англаши ва унга риоя этиши зарур. Оддий қилиб айтганда, депутат ва сайловчи ўртасидаги алоқа иккала томондан ҳам фаолликти талаб этади. Ҳароқатли эса депутат ва сайловчининг мақсадлари мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ тайёрлади.



ЯНГИ ҚОНУН ҚУЧГА КИРДИ

РЕКЛАМА

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!
«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси Бухоро вилоят филиали

қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан тақоран очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Бухоро шаҳрида
«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси Бухоро вилоят филиали биноси қурилиши

Буюртмачининг бошланғич қиймати: 3 300 000 000 сўм ҚҚС билан, 2 750 000 000 сўм ҚҚСсиз.
Қурилиш ишларини тугатиш мuddати — 2014 йил 30 ноябрь.
Қурилиш ишлари буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш хуудий консалтинг маркази.
Буюртмачи: «Ўзқишлоқхўжалик-машлизинг» акциядорлик лизинг компанияси Бухоро вилоят филиали.

Манзили: Бухоро шаҳри, С.Муродов кўчаси, 14-уй. Телефон: (8-365) 228-46-02, факс: 228-49-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келиши керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдориди айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатно-маса, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қат-

нашгани уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўйилган қиймат солигини озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортига етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш хуудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муносабат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 120 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юридикда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охири мuddати — оферталар очилиши куну ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 6-уй.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси
қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ

танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги Пенсия жамғармаси учун 12х24 м ўлчамдаги икки қаватли маъмурий бино қурилиши.

Объектнинг бошланғич қиймати: қўйилган қиймат солиғи билан бирга — 796,633 млн.сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 663,860 млн.сўм, қурилиш мuddати — 210 кун.
Буюртмачи: Сурхондарё вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел./факс: (8-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдориди айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш

жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган объектлар бўйича оферталар баҳолашни, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давлат-техтуркириш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилоят хуудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муносабат қилиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 221-44-73, 221-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охири мuddати — оферталар очилиши куну ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

Улуғбек ҲУСАИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди.
(ЎзА)

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ:

педагогик инновация маркази таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда



Президентимизнинг Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд давлат университетиде педагогик инновация маркази ташкил қилинган эди.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида янгилик бўлган мазкур тажриба, аввало, таълим-тарбия жараёнига ўқитишнинг энг илгор, замонавий усулларини жорий этиш ҳамда таълим сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Педагогик инновация маркази фаолияти ҳақида марказ раҳбари, биология фанлари номзоди, доцент Худобер КЕЛДИЁРОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Давлатимиз раҳбари Самарқандда ўтказилган «Урта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда илм-фан тараққиётининг инсоният ҳаётидаги ўрни ҳақида тўхталиб, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади, деган эди. Бу сўзлар, энг аввало, олий таълим муассасаларида ҳар жиҳатдан етуқ, юқсак билим ҳамда тафаккурга эга мутахассислар тайёрлаш жараёнининг сифат ва самарадорлигини янада оширишга ундайди.

Шу боис мазкур марказда асосий эътибор замонавий ахборот технологиялар, инновацион педагогик усуллар ҳамда турли интерактив методларни ўқув-тарбия жараёнига кенг татбиқ этиш, педагогик диагностика мониторингини олиб бориш, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш каби долзарб масалаларга қаратилмоқда.

Бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирганда, ҳар бир факультетда дарс жараёнларини юқори технологиялар асосида ўтиш махсус хонаси ташкил қилинган ва улардаги компьютерлар ягона оптик толали тармоқ орқали интернетга улангани, олий таъ-

лимнинг мутахассислик фанлари бўйича шакллантирилган ўқув-услубий мажмуалар ва электрон дарсликларнинг таълим порталига жойлаштирилгани, ўнлаб аудиториялар видеопроектор ҳамда компьютер техникаси билан таъминланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, марказ томонидан ўқув йили давомида таълим жараёнида инновацион технологияларнинг ўрни, таълим сифатини ошириш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигига эришиш каби йўналишларда семинарлар ўтказилмоқда. Бунда тажрибали услубчи-олимлар республикамиз ва хорижий мамлакатларнинг илгор педагогик тажрибалари билан ўртоқлашиш, бу соҳадаги ютуқлар асосида таълим бериш масалаларига катта эътибор қаратишмоқда.

Бундан ташқари, марказ мутахассислари томонидан профессор-ўқитувчилар учун ахборот технологиялари, чет тили ва меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш бўйича режа асосида машғулотлар ўтказиб келинаётир.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, овоз, ҳаракат, гипермуҳожат ва шу каби воситалардан фойдаланиш имкониятини яратадиган мультимедиа дарсликларни амалда жорий қилиш, дарс сифатининг юқсалиши, талабаларнинг фанларни тез ва осон ўзлаштиришида энг таъсирчан воситага айланмоқда.

Шу боис ҳар бир факультетда фаолият кўрсатаётган мультимедиа электрон дарсликлар яратиш лабораторияларига асосан IT-технологияларни яхши биладиган бакалавр ва магистрлар жалб этилган. Ёш мутахассислар бу борада тажрибали педагог-услубчилар раҳбарлигида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Бундан ташқари, профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган 1200 дан зиёд мутахассислик фанлари ўқув-услубий мажмуалари марказ ходимларининг саъй-ҳаракати билан университет таълим порталига жойлаштирилди ва уларнинг электрон дискларга ёзилган нусхалари талабаларга тарқатилди. Эндиликда талабалар исталган фан бўйича маъруза, амалий ва семинар машғулотлари ишланмалари киритилган мажмуаларни ҳеч бир қийинчиликсиз топиб ўқиш имконига эга бўлишди. Айни пайтда университет Ахборот-ресурс маркази Давлат дастури доирасида замон талаблари даражасида қайта таъмирланмоқда. Шунингдек, электрон кутубхона яратиш устида ҳам иш олиб боришмоқда.

Маълумки, замонавий таълимда талабаларнинг мустақил изланиши, эгалланган билимларини таҳлил қилиш ва хулоса чиқариши муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда педагог шахсининг ривожланиши учун шароит яратиши, шунингдек, уларда бошқарувчилик, йўналтирувчилик кўникмаларини шакллантиради. Бу эса ўқитувчилардан катта маҳорат ва тажриба талаб қилади. Шу маънода, ўқув йили давомида марказ аъзолари томонидан университетнинг 720 нафар профессор-ўқитувчисининг дарслари таҳлил қилинди. Шундан келиб чиқиб, уларнинг рейтинг кўрсаткичлари аниқланди ва шу асосда моддий рағбатлантириш бориш тизими жорий қилинди.

Агар 2011-2012 ўқув йили-

да 240 нафар юқори рейтингга эришган профессор-ўқитувчи моддий рағбатлантирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 307 нафарни ташкил этди. Рейтинг кўрсаткичи 70 фоиз ёки ундан паст бўлган ўқитувчилар касбий малака оширишдан ўтказилди.

Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам марказ мутахассислари томонидан яна бир ибратли ишга қўл урилди. Хусусан, узлуксиз таълимда ишлаётган чет тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш, уларнинг ўзаро тажриба алмашишлари учун мастер-класс ташкил этиш йўлга қўйилди.


Шу билан бирга, чет тилларидан мультимедиа дарсликлар, инглиз тилини ўқитиш бўйича электрон ресурслар тайёрланди, 10 дан ортиқ лингафон кабинетлари жиҳозланди. Буларнинг барчаси замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда чет тиллари бўйича етуқ мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Инглиз тилида ўқитилаётган мутахассислик фанлари сони йилдан-йилга ортмоқда.

Бугунги кунда педагогик инновация маркази томонидан таълим-тарбия самарадорлигига эришишга қаратилган илмий-амалий таълим ва илмий-амалий таълимнинг шаклланиши, нафақат университет, балки умумий, ўрта-махсус, касб-хунар таълими соҳаси битирувчилари малакасини ошириш муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб бориш, бу борада халқаро илгор тажрибаларни ўрганиш каби долзарб вазифалар бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгилаб олинган.

«Ўзбекистон овози» мухбири Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ ёзиб олди. Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.



ХАРОН



қандай сирларни яширмоқда?

Кўёш тизимидаги Плутон сайёрасининг Харон йўлдошида улкан океан мавжуд бўлиб, у жуда қалин муз билан қопланган, ушбу океан тубида илиқ сув доимо ҳаракатда бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Бундай фаразни яқинда АҚШнинг Аэронавтика ва космос кенгликларини тадқиқ қилиш миллий бошқармаси — NASA мутахассислари илгари сурдилар, дея хабар беради «Мир новостей» хафталиги.

Маълумки, Плутон билан Кўёш ўртасидаги масофа Ер билан Кўёш ўртасидаги масофадан 29 марта узоқ бўлиб, сайёра юзасида доимий қаратон совуқ ۇқмрон — минус 229 даража. Шу боис бу сайёра улкан музликлар ва тошлардан иборат. Харон йўлдоши ҳам Плутон сингари музликдан таркиб топган. Аммо таҳлиллар шундан далolat бермоқдаки, бу музликларда улкан ёриқлар мавжуд. Демак, хулоса қилиш мумкинки, унинг тубида доимий ҳаракатдаги вулконлар бор бўлиб, айнан шу вулконлар океан ости сувини илтиб туради. Шундан келиб чиқиб, олимлар мазкур океан тубида ҳали фанга маълум бўлмаган жонотлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас, дедоқдалар.

Олимлар 2015 йил июлини сабр-сизлик билан кутмоқдалар. Негаки, айнан шу санада NASAнинг бир неча йиллар бурун учирилган «Янги ўфқлар» деб номланган космик аппарати Плутон ҳамда Харонга яқинлашди ва уларнинг сирли дунёсини ўрганади.

Учта Эйфел минораси



Баландлигига тенг

Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида дунёдаги энг баланд минора қад ростлайди. Подшоҳлик минораси, деб ном берилган мазкур иншоот баландлиги минг метрдан ортади. Бу учта Эйфел минорасини устма-уст қўйганда ишгол қилинадиган баландликдир.

Ушбу қурилишга 1,2 миллиард доллар маблағ сарфланади. Ҳисоб-китобларга қараганда, дейилади «Мир новостей» хафталиги ахборотида, 200 қаватлик бу иншоот қурилишига 5,7 миллион кубометр бетон, 80 минг тонна пўлат керак бўлади.

2020 йилда қурилиши якунланиши режалаштирилган Подшоҳлик минораси кучли шамоллар макони бўлган Қизил денгиз қирғоғида бунёд этилади. Лойиҳачилар шамол ва кўёш нури таъсиридан ҳимоялаш имконини топган, яъни саҳроларда тик ўсадиган ўсимлик тури хусусиятини алоҳида ўрганган архитекторлар ундан «андаза» сифатида фойдаланиб, лойиҳа ишларига асос қилиб олишди.

Лойиҳачи архитекторлардан бири Гордон Жиллинг айтишича, минорада меҳмонхона, турилдорлар, хусусий дўконлар, спорт заллари, чўмилиш ҳавзалари жойлашади. Меҳмонларга 59 лифт хизмат қилади, у 12 дақиқада миноранинг юқори қисмига одамларни олиб чиқади.

Минора гумбази 95 километр узокдан кўзга ташланиб туради.

Эслатиб ўтаимиз: бугунги кунда энг баланд минора Дубайдаги Халифа буржи минораси бўлиб, унинг баландлиги 828 метрни ташкил қилади.

Республика Байналмилал маданият маркази жамоаси Республика Қозоқ маданият маркази раиси Марат Укубаевга акаси **Артикбай УКУБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ТАШҚИ ИҚTISODIЙ FAOLIYAT МИЛЛИЙ БАНКИ

CISCO компанияси ишлаб чиқарган телекоммуникация тармоғи ускуналари етказиб берувчи компанияни танлаш бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар (банк белгиланган шаклда) ушбу эълон чиққан санадан кейинги 8 календарь кун мобайнида юридик шахслардан қабул қилинади.

Тендерда қатнашиш учун буюртманома юборган ва малака танловидан ўтган шахсларга тендер ҳужжатлари мазкур эълон чиққан санадан кейинги

20 календарь куни давомида берилади.

Олинган тендер ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини қабул қилиш, улар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, ушбу эълон чиққан санадан кейинги 34 календарь кун ўтгач, маҳаллий вақт билан соат 16:00да тўхтатилади.

Буюртманома шаклини ва тендер ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини юбориш учун манзил: **100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темураш кўчаси, 101.**

«Ўзмилийбанк» Бош маъмурий биноси.
Телефон: +99871 234-42-86, Интернет-сайт: www.nbu.com
Алоқада бўлувчи шахс: Борис Торопов

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ТАШҚИ ИҚTISODIЙ FAOLIYAT МИЛЛИЙ БАНКИ

миллий валютада янги муддатли омонат амалга киритилганлигини маълум қилади:

«ЁЗГИ»

- ◆ Сақлаш муддати – 2 йил.
- ◆ Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- ◆ Ҳисобланган фоизлар мижоз истагига кўра, бўнак сифатида ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
- ◆ Омонатга маблағ қабул қилиш 2014 йилнинг 1 сентябрига қадар амалга оширилади.

Бундан ташқари, миллий валютадаги «Жасорат» омонатининг муддати узайтирилганлигини ва хорижий валютадаги «Матлуб» омонатининг қайта амалга киритилганлигини маълум қилади.

ЖАМФАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШИНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАРИНИНГ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

МУАССИС:



О'ЗБЕКISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir birinchi o'rinbosari: **Farrux HAMROYEV**

ТАХРИР НАЙ'АТИ:

Abdulla ORIPOV	Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV
Hotamjon KETMONOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	Tat'yana KISTANOVA
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 760
11698
nuxxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 00.50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Sobirjon TUNG'ATOV
Zafar BAKIROV

